



**15-16 APREL  
2022**

**TOSHKENT  
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR  
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM  
VAZIRLIGI  
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

**O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**

**“TADQIQOT.UZ”  
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:  
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI**

**II  
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI**

**TO‘PLAMI**

**Toshkent - 2023**

**Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:**  
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil,  
Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

**Tahrir kengashi:**

g.f.d., professor Hikmatov F.H.  
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.  
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

**Kengash a'zolari:**

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.  
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.  
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.  
PhD, dotsent Prenov Sh.M.  
PhD, dotsent Raxmonov D.N.  
PhD, dotsent Raxmonov K.R.  
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

**Mas'ul muharrir:**

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ГЕОУРБАНИСТИК ВАЗИЯТИ

Умирзақова Нилуфар

магистрант

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

**Аннотация:** Андижон вилоятининг геоурбанистик вазияти йиллар давомида турлича кўриниш касб этиб келган. Вилоятнинг йиллар давомидаги геоурбанистик вазиятлари таҳлил қилиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** геоурбанистика, шаҳар аҳолиси, шаҳарча, шаҳар аҳолиси, табиий кўпайиш.

## GEOURBANISTIC SITUATION OF ANDIZHAN REGION

Umirzaqova Nilufar

**Abstract:** The geourban situation in Andijan region has changed over the years. The geourban situation in the region over the years is analyzed.

**Key words:** geourbanistics, urban population, urban, urban population, natural reproduction.

Андижон вилоятининг геоурбанистик вазияти йиллар давомида турлича кўриниш касб этиб келган. 2009 йилгача вилоятда 11 та шаҳар ва 5 та шаҳарча бўлган ҳолда жами аҳолининг 29.1 % мазкур шаҳар ва шаҳарчаларда истиқомат қилган. Бу даврда республикадаги урбанизация даражаси 35.8 % ни ташкил қилган. Бундан кўришиб турибдики Андижон вилоятида урбанизация даражаси республика даражасидан паст бўлганлигини кўришимиз мумкин.

2009 йил 13-мартдаги Ўзбекистон Републикаси Вазирлар Маҳкамасининг 68-сон қарорига асосан Андижон вилоятидаги 74 та қишлоқ аҳоли пунктида шаҳарча мақоми берилиши натижасида вилоятнинг урбанизация даражаси 52.8 % га чиқиб Республикада Наманган (64%) ва Фарғона (58%) вилоятларидан кейинги ўринни қайд қилди. Республика урбанизация даражаси ҳам мазкур қарор натижасида 36 % дан 51 % га кўтарилди. Вилоят урбанизация даражаси Республика даражасидан бироз юқорироқни ташкил қилди.

Вилоятнинг геоурбанистик вазияти 2009 йилдан бери деярли ўзгармасдан келмоқда. Шаҳар аҳолиси сони асосан табиий кўпайиш ҳисобида ортиб бормоқда. Лекин шаҳар аҳолиси табиий кўпайиши қишлоқ аҳолиси табиий кўпайишидан бироз пастроқ бўлганлиги туфайли вилоятда шаҳар аҳоли салмоғи йилдан йилда камайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Минтақадаги шаҳар ҳудудларидаги аҳолининг табиий кўпайиши ҳам асосан 2009 йилда ташкил қилинган янги шаҳарчалар ҳиссасига тўғри келади. Бунинг асосий сабаби сифатида бу шаҳарчаларда халигача қишлоқ типидagi ҳаёт тарзини ўзгармаганлиги ва асосан маҳаллий миллат вакиллари истиқомат қилиши ва бошқа сабабларни келтириш мумкин.

Юқоридаги жадвалдан ҳам кўриш мумкинки 2009 йилгача бўлган даврда ҳам ва ундан кейинги даврда ҳам шаҳар аҳолиси сони камайиб бормоқда. 2010 йилда вилоятда шаҳар аҳолисининг улиши 53.3 % билан энг юқори натижани қайд қилган бўлса 2015 йилга келиб у 52.5 % га ва 2020 йилда эса 52.2 % гача камайганини кўришимиз мумкин.

Андижон вилоятининг георубанистик вазиятини минтақанинг ҳудудлари кесимида ҳам бир қанча тафовутларни акс эттиради. 2009 йилгача вилоят миқёсида урбанизация миқдори жуда паст бўлган Олтинкул, Марҳамат ва Андижон туманларида вилоятда ташкил қилинган 74 та шаҳарчаларнинг 40 таси ушбу туманлар ҳиссасига тўғри келганлиги сабабли мазкур туманларнинг урбанизация даражаси кескин ортиб вилоят кўрсаткичдан ҳам анча юқорилагини кўришимиз мумкин.

#### **2009 йилда янги ташкил қилинган шаҳарчалар сони**

№	Туманлар	Шаҳарчалар сони	№	Туманлар	Шаҳарчалар сони
1	Олтинқул	11	8	Избоскан	4
2	Асака	4	9	Улуғнор	1
3	Андижон	19	10	Кўрғонтепа	1
4	Балиқчи	3	11	Марҳамат	10
5	Бўстон	3	12	Шаҳрихон	3
6	Булоқбоши	4	13	Пахтаобод	3
7	Жалалқуқуд	7	14	Хўжаобод	5

*Жадвал муаллиф тамонидан статистик маълумотлар асосида тайёрланган*

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки 2022 йил 1-январь ҳолатига вилоятда жами аҳоли сони 3253.5 минг киши, шундан 1699.2 минг киши шаҳар жойларда, 1554.3 минг киши эса қишлоқ жойларда истиқомат қилмоқда. Урбанизация даражаси 52.2 % ни ташкил қилмоқда. Туманлар кесимида мазкур кўрсаткичлар турлича бўлиб, вилоятнинг ўртача урбанизацияси кўрсаткичидан Андижон, Олтинқул ва Марҳамат туманлари анча юқори бўлса, аксинча қолган барча туманларнинг кўрсаткичлари вилоят урбанизация даражасидан паст ҳисобланади. Айниқса Андижон шаҳар агломерациясининг фаол таъсири бўлган Асака (30.8 %) ва Избоскан (32.0 %) туманлари учун номуносивдир. Шуниндек Асака тумани ишлаб чиқариш бўйича минтақада

юқори ўринларни эгаллаши ҳам мазкур туман урбанизацияни ўзига акс эттирмаганини кўришимиз мумкин. Лекин ишлаб чиқариш сдалохияти вилоят миқёсида сўнги ўринларда турувчи ва асосан қишлоқ хўжалигида ихтисослашган Мархамат ва Олтинкўл туманларининг урбанизация миқдори вилоят кўрсаткичидан баланд бўлиб Олтинкўл тумани 52 % ва Мархамат тумани 79 % ни ташкил қилиши ўзига хосликни касб этади.

Вилоят бўйича энг паст урбанизация худуди вилоят марказидан 70 км узоқликка жойлашган ва янги ўзлаштрилган ерлар хисбида асосан қишлоқ хўжалиги шаклланган Улуғнор тумани хиссасига тўғри келади ва туманда битта шаҳарча мавжуд холос. Урбанизация миқдори 10 % дан биров ортиқни ташкил қилади.

Кейинги йилларда вилоятдаги геоурбанистик вазиятида деярли ўзгаришлар юз бермасдан келмоқда. Шаҳарларни аҳоли сонига кўра таркибига ҳам ўзгаришлар деярли кузатилмасдан келмоқда.

Андижон шаҳри йирик шаҳар мақомига эга ва яқин йилларда вилоятнинг бошқа шаҳарлари йирик шаҳар бўлмайди. Лекин яқин йилларда Андижон шаҳри аҳолиси 500 мингдан ортиқ аҳолига эга бўлиши ва энг йирик шаҳарга айланиши мумкин. [3]

Минтақада катта шаҳарлар мавжуд эмас. Ўрта шаҳарлар типига Асака ва Шаҳрихон шаҳарлари кириб, ҳозирги кунда Асака шазрида 70 мингдан ортиқ, Шаҳрихон шаҳрига эса 81 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Яқин келажакка бу икки шаҳар катта шаҳарлар типига ўтиши мумкин. Асака шаҳрини бош режасига кўра шаҳар худуди атроф худудлар хисобига кенгайиши ва Шаҳрихон шаҳри эса фаол демографик жараёнлар хисобида шундай имконияти мавжуд.

Минтақадаги Қорасув, Хонобод, Пойтуғ, Охунбобоев, Қўрғонтепа, Пахтаобод ва Хўжаобод шаҳарлари ярим ўрта шаҳарлар бўлиб, яқин келажакка уларнинг типини ўзгариши кутилмаябди.

Мархамат шаҳри минтақадаги ягона кичик шаҳар хисобланиб яқин келажакка Мархамат шаҳарчасини Мархамат шаҳри билан бирлашиши натижасида шаҳар ярим ўрта шаҳарлар типига ўтиши кутилмоқда.

Андижон вилоятидаги шаҳар жойлар аҳосининг деярли ярми мавжуд 79 та шаҳарчалар хиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда вилоятда 1699.2 минг киши шаҳар жойларда истиқомат қилаётган бўлса шундан 877.5 киши 51 % шаҳарларда 821.6 киши 49 % эса шаҳарчаларда истиқомат қилади. Бундан кўриниб турибдики минтақанинг геоурбанистик вазиятида шаҳарчаларнинг ўрни жуда ахамиятлидир.

Шаҳарчаларнинг ахамияти минтақада алоҳида эътиборга моликдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб вилоятдаги шаҳарларни мақомини қайта

кўриш талаб этилади. Аммо шаҳарчалари аҳоли сони сезиларли даражада кўп бўлгани билан шаҳарчаларнинг ишлаб чиқариш қувватлари асосан қишлоқ хўжалигида ихтисослашган ва шаҳар инфратузилмаси шаклланмаган. Шаҳарчаларни иқтисодий-ижтимоий жихатдан ривожлантириш талаб этилади. Шаҳарчаларнинг 79 тасидан 74 таси 2009 йилда ташкил қилинган ва бунгача қишлоқ аҳоли пункити сифатида шаклланиб, ўзига қишлоқ ҳаётини акс эттириб келмоқда. Айниқса Мархамат ва Олтинкўл туманидаги шаҳарчаларни аксариятида шундай кўриниш касб этади.

2009 йилгача шаклланган шаҳарчалар, Бўстон, Куйганёр, Жанубий Оламушик, Полвонтош, Андижон шаҳарлари айна бир ресурс негизида шаклланган. [1] Куйганёр ва Бўстон шаҳарчалари маъмурий марказ сифатида, Андижон, Жанубий Оламушик ва Полвонтош шаҳарлари эса нефт конлари негизида шаклланган. Янги ташкил қилинган 74 та шаҳар эса Профессор А.А.Солиев тарифлаганидек агрошаҳарчалардир, яни аграр саноат негизида шаклланган шаҳарчалардир. [2] Лекин шу шаҳарчаларнинг ичида Андижон туманидаги 12 та шаҳарча ва Олтинкўл туманидаги 4 та шаҳарча Андижон агломерацияси таркибида ривожланиш имкониятлари юқори. Хонобод шаҳарчаси ҳам Хонобод шаҳар таркибида шаҳар инфратузилмаси шаклланган. Хўжаобод туманидаги шаҳарчалар туман енгил саноатни ривожланганлиги негизида шаҳарчаларнинг сифати ўзгариши кузатилмоқда. Лекин бу жараёнлар умимий ҳолатни намоён қилмасдан шаҳар ҳаётини ўзига тўлиқ акс эттирмасдан келмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Зоитов А., Раимов Т., Смирнов Н., Ёқубов Б. “Ўзбекистон шаҳарлари.” Тошкент. 1965 й -282 б.
2. Солиев А.С., Таштайева С.К., Егамбердиева М.М. Шаҳарлар географияси. Ўқув кўлланма. – Тошкент. 2019 й.-184 б.
3. Солиев А. ва бошқалар. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография Тошкент. 2010 й. 100 бет.
4. Lex.uz